Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 170 (13.432).
29 ИЮЛЬ 1966 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

Хоразм области. Жумуртов тош майдалаш-саралаш заводи қурилиши кучайтириб юборилди. Корхона фойдаланишга топширилгач, йилига 400 минг кубометр майдаланган тош ва шағал тайёрлаб бериш қувватига эга бўлади. Заводни Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги кунигача фойдаланишга топшириш учун мусобақа кучайиб кетди. Корхонанинг ишга туширилиши область қурилишларида маҳаллий материаллардан фойдаланиш имконини беради, Чирчиқдан Хоразмга қум-шағал ташиб келишга чек қўяди. Дастлабки учта ишлаб чиқариш корпуси шу йилнинг ўзида қуриб тугалланади. Улар Германия Демократик Республикасидан келтирилган технология ускуналари билан жиҳозланади. **Суратда:** корхона қурилишида ибрат кўрсатиб ишлаётган монтажчи Саъдулла Матёқубов.

Н. Ключнев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ МАРРАЛАРГА!

Статистика бошқармасининг ахбороти беш йиллкининг биринчи йилидаги зафарларимиз шаънига битилган қўшиқдек янграйди. Ахборот рақамларида жаҳонга донги кетган тўқимачилик машиналари тайёрлаётган Тошкентдаги Ленин орденли завод ишчи ва инженер-техник ходимларининг ютуғи, қишлоқ хўжалигига аъло навли ўғитлар тайёрлаб бераётган Чирчиқ ва Навоий химикларининг таланти ва маҳорати, деҳқоннинг оғирини енгил қилаётган машиналар ясаётган пойтахт машинасозларининг уқуви ва билимдонлиги акс этиб турибди. Бу рақамларда Қизилқумдан зангори оловни Урал саноат корхоналарига бетўхтов юбориб тураётган оловкорларнинг меҳнат жасорати, халқимизга шойи-ипак кийгизаётган Марғилон чеварларининг ҳунармандлиги жамул-жамдир. Бу рақамлар нур ишқида ёниб, халқ хўжалигига мўл-кўл электр энергияси етказиб бераётган энергетикларимизнинг, Қизилқум бағридан нодир металл қазиб олаётган олтинтопарларимизнинг, дастурхонимизга тўкин ноз-неъматлар торгаётган озиқ-овқат саноати ходимларининг зафарларидан дарак бермоқда. Статистика ахборотининг «Қишлоқ хўжалиги» бобига бир назар ташлайлик. Ватан омборларига тобора кўпроқ пахта ва ғалла топшириш ишқида зўр бериб меҳнат қилаётган деҳқонларимиз табиат офатларини мардонавор енгиб, элни қувонтирмоқдалар. Ахборотда айтилганидек, табиий офат натижасида республиканинг бир қанча районларида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг жиддий зарар кўрганлигига қарамай, июль ойининг биринчи ўн кунлиги охирида вегетация ишлари суръати ўтган йилдагига нисбатан анча юқори бўлди. Бошоқли экинларнинг анча барвақт пишиб етилиши туфайли ўрим-йиғим барвақт бошланди ҳамда ўтган йилдагига нисбатан жадал суръат билан олиб борилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши давлатга мол, сут, тухум, ва жун сотиш ярим йиллик планининг ортиғи билан бажарилишига имкон берди. Давлатга пилла сотиш йиллик плани ортиғи билан бажарилди.

Республикамизни жуда катта қурилиш майдонига қиёс этса бўлади. Орол денгизи соҳилларидан тортиб, Фарғонанинг гул водийларигача, афғон — совет чегарасидан тортиб Чирчиқ воҳасигача, — ҳамма-ҳамма ерда бинокорлар енг шимариб, мардона меҳнат қилмоқдалар. Индустриямизнинг истиқболи бўлган гигант саноат корхоналарини, шинам уй-жойларни, зилол сув ҳавзалари ва обиҳаёт каналларини бунёд этмоқдалар. Саноатимизнинг олтин фонди бўлган асосий фондлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Қурувчилар меҳнатнинг шарофати билан ўтган ярим йил мобайнида 313,4 миллион сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Ўтган олти ой ичида Тошкент ёғ-мой комбинати ва Наманган сут-ёғ заводи дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқарди, кўпгина завод-фабрикаларда янги цехлар, ускуналар, участкалар ишга туширилди. Республика Министрлар Советига қарашли давлат пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари пудрат ишлари ярим йиллик планини ошириб адо этдилар. Механизация бинокорнинг ўнг қўли бўлиб қолди. Шунинг шарофати билан қурилишда меҳнат унумдорлиги тобора ортиб боряпти, унинг таннархи эса йилдан-йилга арзонлашмоқда.

Шу кунларда Тошкент бинокорлари айниқса катта ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Тошкент дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик шаҳрига айланиб кетди. Бу шаҳри азимда ишлаётган ўн минглаб бинокорлар зилзилага чидамли, ҳамма қулайликлари муҳайё бўлган, Ўзбекистон иқлимига айни мос бўлиб тушадиган уй-жойларни бунёд этмоқдалар. Якин йиллар ичида Тошкент Иттифоқимиздаги энг гўзал ва энг обод шаҳарлардан бири бўлиб қолади. Тошкент аҳолиси оғир дамларда ҳиммат қилиб бизга ёрдам қўлини чўзган қардош халқлар бинокорларининг яхшилигини асло унутмайди.

Статистика ахборотининг рақамлари мағзини чақар эканмиз, республикамиз халқ хўжалигида банд бўлган 2 миллион 200 минг нафар меҳнаткаш беш йиллкининг биринчи йилида бутун билими ва маҳоратини, истеъдоди ва ғайратини ишга солиб меҳнат қилганлигини яққол сезамиз. Ўзбекистон меҳнаткашларининг фаровонлиги ҳам муттасил ўсиб бораётганлигини рақамлар равшан кўрсатиб турибди. Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан олдиган ўртача иш ҳақи ўтган олти ой мобайнида 1965 йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 6 процент кўпайди. Чакана мол оборот ярим йиллик плани ортиғи билан бажарилди. Давлат ва кооператив савдосида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум, балиқ, газлама, трикотаж буюмлар, чарм-пойафзал, маданий-маиший товарлар сотиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди. Фан ва маданиятнинг кўпгина жабҳаларида янги муваффақиятларга эришилди.

КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун изчиллик билан курашаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари 1966 йилнинг олти ойи мобайнида янги зафарларни қўлга киритдилар. Беш йиллкиннг биринчи йили топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича адо этмоқ учун халқ хўжалигининг айрим тармоқларида мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларни тугатишимиз керак. Хусусан, республика саноат корхоналарининг ишида жиддий камчиликлар ҳам бор. Енгил саноат корхоналари маҳсулотининг сифатини янада яхшилаш соҳасида ҳали кўп иш қилиш лозим. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларига кўра сансат корхоналари ишини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказишга тайёргарлик юзасидан катта ишларни рўёбга чиқариш керак. Маҳсулот чиқариш, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан планларни бажармаётган корхоналар йилнинг иккинчи ярмида бу нуқсонга барҳам беришлари лозим бўлади. Қурилишларда машина-механизмлар ва материаллардан дурустроқ фойдаланишга эришмоқ даркор. Қурилиш индустрияси корхоналарининг кувватларидан яхшироқ фойдаланайлик.

Статистика ахборотининг — зафарларимиз достонининг давоми бор. Биз ҳар уч ойда ана шу достон бобларини ўқиб, ғалабаларимиздан илҳом оламиз. Янги нурли марраларни кўзлаймиз.

МАШИНАГА МОСЛАБ

МАМАЖОН ДАДАЖОНОВ ЧАҚИРИҒИГА ЖАВОБАН

Улкан хирмон ишқида меҳнат қилаётган пахтакорларимиз ғўза парваришини машҳур механизатор Мамажон Дадажоновнинг чақириғи асосида ташкил этмоқдалар. Чунончи, 93 гектар майдондаги пахта машина теримига мослаб парвариш қилинмоқда. Мақсадимиз ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаб, унинг эрта етилишига эришишдан иборатдир. Бунинг учун эса ғўза қатор ораларини культивация қилиш, суғориш ва озиқлантириш агротехника муддатларида бир-бирига боғланган ҳолда олиб борилляпти.

Тўғри, ғўзага минерал ўғит беришни тўхтатдик. Чунки бундан буён берилган аммиакли селитра ғўзани ҳаддан ташқари ғовлатиб юбориши, натижада ҳосил тугунчалари қамайиб кетиши мумкин. Буни алоҳида ҳисобга олдик. Минерал ўғитлар ўрнига маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланяпмиз. «Шарбат» оқизишни қизитиб юбордик.

Мамажон Дадажонов республикамиздаги барча механизаторларга қарата ёзган хатида ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлишини таъминлашга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидлаган. Бу барча пахтакорларнинг кўнглидаги гапдир. Ҳосил тупларидан олинар экан, уларда гул, кўсак кўп бўлишини таъминлаш зарур. Ғўза тупларининг серҳосил бўлиб ўсиши эса парваришнинг жойига қўйилишига боғлиқ.

Биз бунга тўла риоя қиляпмиз. Барча майдонлардаги ғўзалар ҳозиргача тўрт марта сифатли культивация қилинди, уч марта мириқтириб суғорилди. Культивация даврида тупроқнинг майин бўлишига эришилди. Суғориш эгатлари эса қатор оралари бўйлаб тўғри олинди. Бу, биринчидан, сувнинг равон оқишига имкон берган бўлса, иккинчидан, ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлади. Биз бундан буён ҳам шундай қилаверамиз. Чунки эгатлар қатор оралари бўйлаб тўғри олинса, терим машиналарининг юриши учун жуда катта қулайлик туғдирилади, агрегатлар чайқалмасдан юради, пахта тоза терилади.

Ҳозир ҳар туп ғўзада беш-олтитадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бу билан қаноатланиб қолмаймиз. Августни ҳосилга ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилганмиз. Демак, ғўза парваришини бирор дақиқа ҳам тўхтатишга ҳеч қандай асос йўқ. Тажрибали механизаторларимиздан Ҳамидбой Тожибоев, Комилжон Ҳамроқулов, Ҳамробой Болтабоев ўртоқлар культивация сифатига алоҳида эътибор беришяпти, қатор оралари бирорта ҳам бегона ўт бўлишига йўл қўйишмаяпти. Улар сентябрнинг бошларига қадар ғўзаларни тагин икки марта культивация қилишга сўз беришди.

Механизаторларимиз 70 гектар майдондаги пахтани агрегатлар билан териб олишади. Терим машиналари аллақачонлар тахт қилиб қўйилган. Терим мавсуми бошланиши биланоқ трактор культиваторлари устаноаларга юборилиб, «зангори кема»лар ишга киришади. Ҳар бир механизатор мавсум нормасини ошириб бажариш ва бу билан Мамажон Дадажонов чақириғига лаббай деб жавоб бериш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

Сув — ғўзанинг қони ва жонидир. Шунга кўра, Каюмжон Қодиров, Худойберди Эгамбердиев, Шарофиддин Мамаев ҳамда Эркинбой Мамажонов сингари миришкор сувчиларимиз суғоришни оби-тобида ўтказишяпти, ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлашяпти. Бизда суғориш кечаю-кундуз олиб борилмоқда.

Колхозимиздаги каби бригадамизда ҳам август ойида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг графиги тузиб чиқилган. Графикка кўра, ғўза парвариши сира тўхтатилмайди, карталарнинг хусусияти ҳисобга олиниб, суғоришга зўр берилади, «шарбат» оқизиш маромида ўтказилади. Айни вақтда, тупроқнинг майин бўлишига эришилади.

Ғўза парваришини кучайтириш билан бир қаторда, йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўряпмиз. Машина айланадиган жойлар текисланмоқда. Хирмонлар, йўллар ремонт қилинмоқда. Хуллас, ғўза парваришини пахта теримига боғлаб давом эттирмоқдамиз. Бу бизга ҳар гектар майдондан 28 центнердан «оқ олтин» топшириш имкониятини беради.

И. РАҲИМОВ,
Кўрсонтепа районидаги Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи.

ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВХОЗНИ ОТАЛИҚҚА ОЛДИЛАР

АНДИЖОН. Андижонлик донгдор миришкор деҳқон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов азалдан аҳоли яшаб келаётган обод жойларни қолдириб, Мирзачўлдаги «Андижон» совхозига кўчиб келди. У билан бирга қўриқ ерларга ёш механизатор ва сувчилардан бир группаси ҳам келди.

Область комсомоллари «Андижон» совхозини коллектив отаниққа олишди. Улар бу ерга ҳозирдаёқ бир неча юз ёш деҳқонларни юборишди. Етуклик аттестатидан ташқари қишлоқ хўжалик касбини эгаллаб олганлиги ҳақида гувоҳномаси бўлган йигит ва қизлардан 200 киши доимо ишлаш учун Мирзачўлдаги ана шу қўриқ хўжаликка жўнаб кетди.

БАНК КРЕДИТИ БИЛАН

Фарғона областидаги Поп қишлоғида янги пахта тозалаш заводи қурила бошланди. Завод банк кредити билан қурилмоқда ва келгуси йил ҳосили йиғим-терими бошларида ишга туширилади. Янги корхона мукаммал машина-ускуналар билан таъминланади ва ҳар йили 40 минг тонна пахтани қайта ишлаб бера олади.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

КЎКИГА ИШОНИБ...

Беруний район партия комитети хабар қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 3 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада райондаги Киров номли, «Правда», «Ленинизм» колхозларида ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинган эди. Ўтказилган текширишда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинди. Ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қила олмагани учун юқоридаги хўжаликларнинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди, улардан қисқа вақтда камчиликларни тугатиш чораларини кўриш талаб қилинди. Район партия комитетининг бюроси барча хўжалик раҳбарларига ғўза парваришини август ойининг охиригача давом эттириш, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолаётган ўсимликларни «шарбат» оқизиш йўли билан серҳосил ғўзалар даражасига етказишни топширди. Шунингдек, улардан чеканкани оммавий равишда бошлаб юбориш, машина теримига тайёргарликни кучайтириш талаб қилинди. Бошлангич партия ташкилотлари секретарларига машҳур механизатор Мамажон Дадажоновнинг хатини барча механик-ҳайдовчилар орасида яна кенг муҳокама қилиш, механизатор кадрлар тайёрлаш, терим машиналарини шайлаб қўйиш устидан назоратни кучайтиришни топширди. Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг эътибори ниҳолни табақалантирилган ҳолда озиқлантириш, ғўза баргини энг яхши агротехника муддатида тўла тўкиришга қаратилди. Танқидий мақолада тилга олинган бошқа камчиликлар ҳам бартараф этилмоқда.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Дўстона маслаҳатлар

Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри О. Винцер, ГДР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. Штиби ва Германия Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг бошқа масъул ходимлари 25 июлдан 27 июлгача Москвада бўлдилар. Дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида 1964 йил 12 июнда тузилган шартномага мувофиқ, ҳар иккала мамлакатнинг ташқи ишлар министрликлари дўстона маслаҳатлашиб олдилар. Бу маслаҳатларда Совет томонидан СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва бошқалар қатнашди.

Ана шу маслаҳат вақтида баъзи муҳим халқаро проблемалар, аввало, Европанинг ҳозирги аҳволи, шунингдек СССР билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги икки томонлама қардошларча ҳамкорлик жараёнида пайдо бўлаётган масалалар муҳокама қилинди.

О. Винцер ва унинг ҳамроҳлари 27 июлда ўз ватанига жўнаб кетдилар.

Туркия парламенти аъзолари Москвада

Туркия Республикаси Миллат мажлисининг раиси Фаррух Бозбейли бошчилигидаги Буюк Миллат мажлисининг делегацияси СССР Олий Советининг таклифига биноан 27 июлда расмий визит билан Москвага келди.

Туркия Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида меҳмонларни СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари М. А. Искандаров, СССР парламент группаси раисининг ўринбосари Я. В. Пейве ва бошқа расмий кишилар, пойтахт жамоатчилиги ва меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олишди.

Кутиб олувчилар орасида Туркиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ҳасан Асад Ишиқ, элчихона ходимлари бор эди.

М. А. Искандаров меҳмонларни самимий табриклади, делегация бошлиғи Фаррух Бозбейли жавоб нутқи сўзлаб, турк халқи шаънига айтилган илиқ сўзлар учун миннатдорчилик билдирди. У, иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН АБДИЛ РАҲМОН АЛБАЗЗОЗ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 28 июлда Кремлда Ироқ Республикасининг Бош министри профессор Абдил Раҳмон Албаззоз билан учрашди.

Учрашув вақтида Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтираётган муҳим халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Музокаралар самимий ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ҚАҲРАМОННИ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ

Фотима

Диққат! Диққат! — Бирданига уч-тўртта митти чироқлар ёниб қолди. Билади, ҳаммаси зарур заказлар. Фотима опа линияларни кетма-кет улаб, аввал биринчи, кейин иккинчи... заказларга «Марҳамат, гаплашаверинг» деб жавоб беради. Агар хиёл эҳтиётсизлик қилгандами, заказчининг бирортаси телефон трубкасини қўйиб қўяди, ҳам вақти кетар, ҳам таъби хира бўларди.

Йўқ, Фотима опа нўзларини узмайди, бир секунд ҳам эътиборини бўлмайди. Кези келганда қўшни телефонистканинг ёнидаги уч-тўрт чироқча баравар ёниб қолса унга ҳам ёрдамга ўтаверади. Қўллари ҳам, кўзлари ҳам, оғзи ҳам бир дақиқа тиниб-тинчимайди. «Алло, Тошкентни уладим», «Алло Қува сизни нутляпти, марҳамат...».

Фотима опанинг вақти йўқ, коммутатор залининг бошлиғи В. Колокольцева билан суҳбатлашишга тўғри келди.

— Гапнинг лўндасини айтсак, шундай телефонисткамиз борлигидан фахрланамиз,— деди у, — Ўқиб келган қизларимиз ҳам ундан тажриба ўрганмай иложлари йўқ. Баъзан телефонистка секин ишлаётган-дек туюлади, ҳақиқатда эса линия банд бўлиб қолади. Ана ўшанда дарров заказчини илиқ гап билан огоҳлантириб, тинчлантириб қўйишни унутмайди Фотима. Бир вақтнинг ўзида уч-тўрт абонентга жавоб беролганини айтинг. Бирор ташкилотнинг телефон номерини билмай мурожаат этган кишининг ҳам дарҳол ҳожатини чиқаради. Бир соатда 520 та, 530 та линияни улаб, кишиларнинг ҳожатини чиқарганига қойилмиз. Смена нормасини доим 180-200 процент бажаради.

Смена тугади. Фотима опа ҳам, бошқа қизлар ҳам меҳнат постларини бошқа телефонистканларга бўшатиб беришди. «Алло, алло»лар давом этаверди.

Фотима опани табриклядим.

— Кеча қаҳрамонлик унвонини олган одам, бугун ишдан вақтлироқ бўшай қолай демайсиз-а,— деб ҳазиллашдим. Фотима опанинг шаҳло нўзлари пориллаб, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Вой, абонентларимизнинг зарур гаплари жуда кўп-да, дарров бир-бирларига етказиш керак. Бунинг устига энди янаям яхшироқ ишлагим келяпти. Алоқа узелимизга берилган кўчма Қизил байроқ коллективимиз қўлидан кетмасинда!

Гапни дарров коллективга буриб юборди у. Одати шунақа. Шу коллективда обрў топиб, чиниққанини бирор дақиқа унутмайди. Пенсияга чиқиб кетган биринчи устози В. Попова кеча келиб уни бағрига босиб табриклабди,

Ҳа, Фотима ўрта мактабни битириб, ишга келганда Попова уни шогирдлиққа олган эди. Бошқа қизларга бу муранкаб касбни уч-тўрт ой қийналиб ўргатса, Фотима бир ойдаёқ биринчи разрядли телефонистка бўлди. Ўшандан бери 28 йил ўтди. Эҳ-ҳе, неча миллион абонентнинг қувончини, табригини, зарур гапини узоқдаги дилкашига етказди у. Фотима қирқинчи йилларда стахановчи қиз эди. Ҳозир эса коммунистик меҳнат зарбдори. «СССР алоқа аълочиси» значоги алла-қачон унинг кўксида порлаган, медаллар таққан. Алоқачилар съездларига қатнашган. Депутатлиққа сайланган, юзлаб шогирдлар тайёрлаган...

Аммо Фотима шу оддий касби билан қаҳрамон бўла олишни сира хаёл қилмаган эди. Чўлни бўстон этганлар, «оқ олтин»ни тоғ этганлар, ё тойтой шоҳи атлас тўқиганлар қаҳрамон бўлади, дерди. Гоҳи пайтларда худди ўшалардек жасорат кўрсата олмаётганини ўйларди. Шу ўй билан билагига куч сиғмай, муранкаб автомат коммутаторлар ёнидан сменадан кейин ҳам жилмай ишларди баъзан.

СУРАТДА: Фотима ЮСУПОВА.

Мана, меҳнат улуғлади уни. Фарғона шаҳарларарО телефон станциясининг телефонистласи коммунист Фотима Юсупова Социалистин Меҳнат Қаҳрамони. Уни бутун Фарғона табриклади. Телефон трубкасидан Фотима опанинг илиқ, самимий овозини эшитганлар табриклашди. У эса юзларида нуқ-ёшдек иссиқ нур балқиб, «Раҳмат, раҳмат» деярди. Ғайратига янги ғайрат қўшиларди.

Марҳамат, Фарғона шаҳар алоқа линиясида ўзбек аёли, камтар, меҳнатсевар, ширинсўз телефонистка Фотима Юсупова доимо шай. Узоқ-яқиндаги дилкашингиз билан гаплашаверинг. Қаҳрамон хизматингизда.

Санъат МАҲМУДОВА.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида партия маорифи тармоқларида ўқув йили якунланганига бир ойдан кўпроқ бўлди. Республика партия ташкилотлари партия пропагандасини коммунистларни ғоявий-назарий жиҳатдан чиниқтириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятнинг жиддий имтиҳони деб баҳолайди.

Партия ўқишининг янги системаси слёсий ўқишнинг савиясини, таъсирини оширишга, меҳнаткашлар ўртасида олиб борилдиган тарбиявий ишларни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Партия ўқиши системаси қайта қурилишининг энг муҳим натижалари шуки, коммунистлар, партиясиз активларнинг слёсий ўқишга қизиқишлари ва ҳаваслари ошди, машғулотларнинг ғоявий-назарий савияси сезиларли равишда яхшиланди. Партия ташкилотлари ҳар бир коммунистда революцион назарияни эгаллашга ҳавас уйғотиш борасида кўп ишлар қилдилар. Натижада шунга эришилдики, ўқиш кишиларнинг ғоявий жиҳатдан ўсишига ёрдам берди, конкрет амалий вазифаларни муваффақиятли бажаришга самарали таъсир қилди. Слёсий тўгаракларда, мактаблар ва назарий семинарларда тингловчиларнинг активлиги ўсди.

1965—1966 ўқув йилида республика партия ташкилотлари партия пропагандаси системасини КПСС Марказий Комитети тавсиялари асосида қайта қуриб, коммунистлар, партиясиз активларнинг ғоявий-назарий билимини анча оширишга эришдилар. Партия ўқишининг янги системасини барча партия ташкилотлари, ҳамма коммунистлар қизғин маъқуллаш билан кутиб олдилар.

Кўпгина коммунистлар, хусусан пропагандистлар тингловчилар анча ҳавас билан ўқийдиган, машғулотлар қизиқарли ўтадиган бўлиб қолганлигини айтмоқдалар. Эндиликда бир неча йилга мўлжалланган ўқиш планини тузиш учун реал имконият туғилди. Таълим олувчи ҳар бир киши ўқишни нимадан бошлаб, келажакда партия ўқишининг қайси шаклини танлаб олишини билади. Партия ўқишининг янги системаси дастлабки йилдаёқ коммунистларнинг, партиясиз активларнинг марксча-ленинча ўқишини уларнинг умумий маълумоти ва слёсий тайёргарлиги турли даражада эканлигини ҳисобга олган ҳолда планлаштириш имконини берди.

Ўзбекистон партия ташкилоти бутун партиямиз сингари коммунистларнинг назарий ўқишини уюштиришда бой тажриба орттирди. Ана шу тажриба асосида партия маорифи такомиллаштирилмоқда. Партия ўқиши системаси миллионларнинг чинакам ленинча университети бўлиб қолаётир. Ўтган ўқув йилида партия ўқишининг барча босқичларида 360 минг киши, шу жумладан 284 минг ишчи коммунист машғулотларга қатнашди. Марксча-ленинча назарияни ўрганувчи коммунистлар сони аввалги ўқиш йилидагига нисбатан 38 минг кишига кўпайди. Бу — коммунистларнинг марксизм-ленинизм революцион назариясини ўрганишга бўлган ҳаваси ортганлигининг далилидир. Бу — партия маорифининг янги системасини партия ташкилотлари, коммунистлар қизғин қўллаб-қувватлаб маъқуллаётганларининг далилидир.

Машғулотларнинг қанчалик яхши ўтиши кўп жиҳатдан пропагандистлар составига, уларнинг малакаси ва маҳоратига боғлиқ. Республика партия ташкилотлари буни эътиборга олиб, пропагандист кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва ўқитишга алоҳида эътибор бердилар. Слёсий ўқишнинг барча шохобчаларида 27 мингдан зиёдроқ пропагандист ишлаган бўлса, улардан 22 минг киши олий маълумотли, 2.524 киши тўлиқсиз олий маълумотли эди. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ўтган ўқув йилида раҳбар партия, совет, хўжалик ходимларидан, шунингдек, халқ хўжалигидаги мутахассислардан кўплари пропагандист бўлиб ишлашди. 7.873 пропагандист раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари, 8.173 пропагандист халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган мутахассислар эди.

Пропагандистларнинг назарий билимларини ва методик маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комитетлари ҳузурида семинарлар, курслар ташкил этилди.

Ўтган ўқув йилида область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини оширишга алоҳида эътибор бердилар. Агар аввалги ўқув йилларида тўгаракларда машғулотларни ўтказишнинг асосий методи баён қилиш, суҳбат ўтказишдан иборат бўлса, якунланган ўқув йилида бошланғич слёсий мактабларда пропагандистлар материалларни баён қилиш ва суҳбатлашиш билан чегараланиб қолмай, тингловчиларнинг китоб устида мустақил ишлашларига алоҳида эътибор бердилар. Кўпгина пропагандистлар В. И. Ленин асарларини мустақил ўрганишда тингловчиларга кўмаклашдилар.

Бошланғич слёсий мактабларда пропагандистлик қилган кўпгина ўртоқларнинг иш тажрибаси диққатга сазовордир. Чунончи, Пастдарғом районидаги «Коммунизм» колхозида пропагандистлик қилган Мардонқул Раҳмонқуловнинг фаолияти ҳар тарафлама ибратлидир. У 1961 йилда Самарқанд Давлат университетини битирган. Ўртоқ Раҳмонқулов ўқиш программасидаги мавзулар юзасидан машғулотларни қизиқарли ўтказиш учун бор имкониятлардан фойдаланади. Янги материални баён қилишдан олдин 10-15 минут мобайнида тингловчиларга мамлакат ички аҳволини тушунтиради. Кейин савол-жавоб йўли билан тингловчилар ўтган темани қанчалик ўзлаштиргаликларини аниқлагач, янги мавзуни баён қилишга киришади.

Пропагандист янги темани тушунтиришда савол-жавоб, лекция, баён, суҳбат сингари формалардан фойдаланади. У ҳар бир темани тушунтирар экан, машғулотларда диафильмлардан, кинофильмлардан, фотоальбомлар, диаграмма, слёсий харитадан фойдаланишга ҳаракат қилади.

«Қаршистрой» 1-автобазасининг бош инженери Ўртоқ Ҳикматов ҳам бошланғич слёсий мактабда машғулотларнинг қизиқарли ўтказилиши учун астойдил қурашди. Ўртоқ Ҳикматов семинар машғулотларини тингловчиларнинг актив иштирокида ўтказишга ҳаракат қилди. Пропагандист машғулотларни ҳаёт билан боғлаб, турмуш ҳодисаларини тингловчиларнинг ўзлари марксча-ленинча позициядан туриб, тўғри, мустақил аниқлаб олишларига имкон беради.

Кечки марксизм-ленинизм университетлари ва партия хўжалик активининг район (шаҳар) мактаблари раҳбар кадрларни ғоявий-назарий жиҳатдан чиниқтириш марказидир. Ўтган ўқув йилида республикада 12 та кечки марксизм-ленинизм университети ишлаб, бунда 3.962 киши, 79 та район (шаҳар) партия хўжалик мактабларида жами 3.759 киши, шу жумладан 3.303 коммунист ўқиди. Турли семинарларда 58.241 киши марксча-ленинча назарияни ўрганди. 17.008 киши шахсий план асосида мустақил ўқиди. Буларнинг кўпчилиги раҳбар ходимлардир.

Партия ўқиши системасининг барча формаларида ўтган якунловчи машғулотлар пропагандистларимиз бу муҳим ишга пухта тайёрланганликларини кўрсатди. Кўпгина бошланғич слёсий, ўрта ва олий партия мактабларида «Коммунистик қурилишда КПСС раҳбарлик ролининг ўсиши» деган мавзу юзасидан якунловчи машғулотлар ўтказилди.

Хатирчи районидаги Навоий номли, Ўргут районидаги Крупская номли, Пастдарғом районидаги «Коммунизм», Самарқанд районидаги «Янги йўл» колхозлари, Самарқанд шаҳридаги суперфосфат заводи ҳузурида ва бошқа бошланғич слёсий мактабларда ўқув йили яхши якунланди.

Республика партия ташкилотлари коммунистларнинг назарий ўқишини якунлар экан, ёз даврида партия пропагандасининг конкрет планларини белгилаб чиқишлари, янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришлари керак. Партия ўқишининг муваффақиятини пропагандист кадрлар ҳал қилади. Янги ўқув йили бошланғунга қадар пропагандист кадрларни танлаш, партиявий ишнинг бу муҳим участкасига раҳбар ходимларни, малакали мутахассисларни кўпроқ жалб қилиш, уларга методик жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак.

Партия ўқиши — ғоявий чиниқиш мактабидир. Ҳар бир коммунист, ҳар бир партиясиз большевик ўзининг слёсий, назарий савиясини тинмай оширишга учун қурашиши керак. Партия ташкилотлари коммунистларнинг ўқишига, марксча-ленинча назария билан қуролланишларига ҳамиша биринчи даражали масала деб қарашлари зарур.

Е. БОГОСЛАВСКАЯ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда-агитация бўлимининг инструктори.

ОЛДИНГИ САФДА

Коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашаётган Тошкент пиллакашлик фабрикасининг меҳнат аҳли беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафида бораётир. Фабрика директори ўртоқ М. Мирқосимов неча редакцияга телефонда қуйидагиларни маълум қилди:

— Фабрикамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари резервлардан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилиб яхши натижаларга эришмоқда. Етти ойлик план муддатидан илгари — 26 июлда адо этилди. Ой охиригача планга қўшимча равишда 35 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, биринчи сортли маҳсулотдан 50 процент ўрнига 75 процент ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдамиз. Хом ашё сарфлашни қисқартириш ҳисобига 7 тонна пилла тежалди. К. Ванилов, М. Муродбеков бригадалари биринчи сортли маҳсулот тайёрлашда рекорд кўрсатгичларга эришдилар.

АҲИЛ ОИЛАЛАР ДАВРАСИДА

ҲУРМАТ

Вали ака ишдан жуда чарчаб, лекин хурсанд қайтди. Чарчаганининг сабаби бор, албатта. Поликлиникада кун бўйи ишдан бўшамади. Жуда кўп беморларнинг арзини эшитиб, касалини аниқлашга уринди. Беморни безовта қилаётган сабабларни пухта аниқламай туриб, уни кўр-кўрона даволаб бўлмайди. Аниқлаш учун эса кўп изланиш керак.

Хурсандлигининг ҳам сабаби бор. Кейинги пайтда поликлиникага қатновчи беморлар анча мамнун кўринади. Нега мамнун бўлишмасин? Ахир, улар бошқа поликлиникалардаги сингари регистрация дарчалари олдида, анкета қидириб, навбат кутиб туришмайди. Анкета тўлдирмаса ҳамширалар билан адибади айтишиб, асабларини бузишмайди. Нега десангиз, Чилонзордаги 24-поликлиникада республикамизда биринчи марта беморларга регистрациясиз хизмат қилишга ўтилган. Шундай қилганда врачларга бирмунча иш кўпаяди. Лекин улар беморларнинг кайфияти кўтарилганидан хурсанд. Инсонга ҳар қандай дори-дармондан ташқари, меҳрибонлик жуда зарур. Вали ака қўл остида ишлаётган врачларга шуни кўп уқтиради. Шаҳар медицина ходимларининг кенгашида коммунист Тожихонов қўллаган усул маъқулланиб, бошқа муассасаларга ҳам жорий этилди.

Вали ака ва унинг рафиқаси Сожида опа маҳаллада ҳам зўр ҳурмат топган. Чилонзор районидаги Қозиробод маҳалла комиссиясининг раиси Шораҳим Шоиноғомов ҳам, Вали ака ва унинг оиласи ҳақида мамнуният билан гапиради.

— Валихон каттаю кичикка ҳурмат билан қарайди. Болаларини ҳам талтайтириб юбормайди, ёшлигидан меҳнатга ўргатади.

Ҳақиқатан ҳам Вали аканинг оиласи маҳалладаги аҳил, тотув оилалардан бири. Вали ака турмуш ўртоғи Сожидахон опа билан бирга беш фарзандни тарбия қилишяпти. Болаларининг ҳаммаси ақл-идрокли, меҳнатсевар, билимга чанқоқ бўлиб ўсишяпти. Уларнинг уйига ҳар борганимда болаларнинг турмушида бирор янгиликни кўраман. Бахтиёр бу йил политехника техникумини тамомлаб, савдо марказида холодильник жиҳозлари бўйича бош техник бўлиб ишлаяпти. У кечқурун олий ўқув юртида лекция тинглайди. Педагог бўлишни кўнглига тугиб қўйган. Барно олий билим даргоҳида фан асосларини ўрганяпти.

Вали аканинг турмуш ўртоғи Сожидахон опа ҳам яқинда Коммунистик партия сафига ўтди. У тажрибали педагог, химиядан дарс беради. 128-мактаб коллективи ва маҳалла аҳли уни мактаб ота-оналар комитетининг раиси қилиб сайлашган.

— Юмушларим яна кўпайганлигини болаларга айтсам, — дейди Сожидахон опа, — улар «Уйдаги ишларни ўзимиз эплаймиз, бизга ишонсангиз бўлгани» дейишади. Болаларимизнинг ғайратини кўриб кучимизга-куч, шодлигимизга-шодлик қўшилади.

Вали ака ва Сожидахон опа билан бола тарбияси ҳақида бафуржа суҳбатлашдик.

— Баъзи ота-оналар, — дейди Вали ака, — болаларнинг ҳамма талабларини, инжиқликларини қондиришга уринишади. Улар бола учун энг муҳим фазилатлардан бири — мустақиллик эканини унутиб қўядилар. Натижада болалар инжиқ, ишёқмас, қийинчиликлар олдида ожиз бўлиб қоладилар. Биз болаларимизни ёшликдан катталарни ҳурмат қилишга, содда ва камтарин кийинишга ўргатиб борамиз.

Вали ака Тожихонов ўзи яшаб турган Қозиробод маҳалласида кишиларга ғамхўрлиги, одамшавандалиги билан ҳурмат-обрў топган зиёлилардан бири. У маҳалланинг тўй-ҳашами, катта-ю, кичик ишларида ҳаммавақт қатнашади. Қўлидан келган ёрдамини маҳалладан аямайди.

М. АҲМЕДОВ.





Кун тартибида: ХАЛҚ КОНТРОЛИ

Хоразм область партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС XXIII съезди ва Марказий Комитети май Пленуми қарорлари муносабати билан халқ контроли органларининг вазифаларига бағишланди.

Ўзбекистон КП Хоразм область комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов докладида халқ контроли органларининг фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Электр энергияси ва ёқилғини тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ердам, сувдан, минерал ўғитдан самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация иншоотлари қурилишлари суръатини тезлатиш юзасидан ўтказилган текширишларнинг якуни область ва район партия комитетлари бюро мажлисларида, советларнинг ижроия комитетларида муҳокама этилди. Шу кунларда асосий эътибор барча майдонларда мўл ҳосил тўплаш, машина теримига тайёрлик кўриш, ем-хашак тайёрлаш ишларига қаратилмоқда.

Область халқ хўжалигининг барча соҳаларида 311 группа, 1736 пост, 11 минг 423 халқ контролёри ишлаб турибди. 51 штатсиз бўлим, 390 инспектор, юзлаб активистлар — халқ контроли органларининг мустаҳкам таянчи, ишончли ёрдамчисидир.

Партия ташкилотлари группа ва пост раҳбарларининг ҳисоботини вақт-вақти билан тинглаб турадилар. Махсус семинарларда ибратли тажрибалар оммалаштирилади. Ҳар ойда халқ контроли куни ўтказилади. Халқ контролига партия раҳбарлигини кучайтиришда Ҳазорасп ва Шовот райкомларининг иши диққатга сазовордир.

Лекин халқ контроли органлари иши партия қўйган юксак талаблар даражасига кўтарилмаган. Контроль ишларида жамоатчилик асосларини янада ривожлантириш, ижрони текширишда изчиллик, принципиаллик кўрсатиш, комитет ва группаларнинг иш усулини такомиллаштириш зарур. Контролнинг таъсир кучи, аввало, камчиликларнинг олдини олишга, кишиларни тўғри йўлга солишга қаратилиши лозим.

Халқ контроли органларининг сигналига бефарқ қараш ҳоллари баъзан учрайди. Хоразм қурилиш-монтаж бошқармаси, Урганч дон маҳсулотлари базаси раҳбарлари халқ контролёрлари сигналларини оқибатсиз қолдирганлар. Бундай фактларга кескин зарба берилиши керак. Халқ контроли органларига партия раҳбарлигини кучайтириш зарурлиги докладда ва музокараларда алоҳида таъкидланди.

Ҳазорасп район партия комитетининг биринчи секретари М. Ражабов айтдики, райком халқ контролёри комитети, группалар ва постларнинг фаолиятини доимо диққат марказида тутиб келмоқда. Райком бюросида ва партия йиғилишларида халқ контролёрлари кўтарган қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Жамоат чорвачилиги умумхалқ назорати остига олингач деярли ҳамма хўжаликларда бу соҳа рентабелли тармоққа айланди. Ирригация ва мелиорация қурилишлари, машина теримида ҳам халқ контроли оталиғида.

Урганч шаҳридаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикаси инженери, халқ контроли активисти Г. И. Муравьева, жамоатчи контролёрлар ташаббуси билан корхонада маҳсулот сифати яхшиланганлиги, брак йўқотилганлиги, ўтган ойларда 16 минг киловатт электр қуввати, бир неча минг сўмлик материал тежалганлигини айтди.

Шовот район халқ контроли комитетининг раиси Я. Пиржонов, Ҳазорасп районидаги «Партия XXI съезди» колхози халқ контроли группаси раиси М. Маткаримов ўртоқлар ўз сўзларини халқ контролёрлари фаолиятидаги яхши тажрибаларни ўртоқлашишга, келгуси вазифаларга бағишладилар.

Партия активи йиғилишида республика халқ контроли комитети раисининг ўринбосари ўртоқ И. Р. Арнаутов сўзлади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ирригация қурилишларида

ПАЧКАМАР

ФОТОРЕПОРТАЖ

КУЙЛАРИ

КУНДУЗИ ҳам:
— Гув-гув-гувв.
Тунда ҳам:
— Гув-гув-гувв! Оққани-оққан бу дарё. Ҳарсанглардан-ҳарсанглларга асов тойдек сакраб жўшади. Бешик-бешик тўлқинлари қирғоққа сапчиб, оппоқ кўпиқлар пуркайди. Гўё соқов тили билан нималарнидир куйлаяпти, сўйлаяпти. Нимадан баҳс очаётган экан Ғузорсой?

А. Я. ШЕРБАКОВ (Пачкамар сув омбори қурилишининг бошлиғи): — Чимқўрғонни қураётганимиздаёқ Ғузорсойнинг қўшинига қулоқ тутиб юрган эдик. Куч-қуввати, ғайрати танига сиғмаганидан жаҳл билан ғувуллайди у. Ғузор районида 72 минг гектар ер бор. Шундан ҳозирча 2000-2500 гектари суғорилади. Авжи саратонда сой суви қуриб, тошлар орасидан кўз ёшидек милдираб оқадиган томчилардан сурувни ҳам суғориб бўлмайди. Экинлар қовжираб кетади. Район ерлари баландликда, тоғ ёнбағирларида. Чимқўрғон суви ҳам, Аму суви ҳам бу ерларга чиқмайди. Бирдан-бир умид шу — Ғузорсой. Ҳолбуки бу ерда қимматбаҳо ингичка толали пахта етиштириш учун ҳамма шароит бор. Ишчи кучи етарли. Ҳарорат баланд. Тупроғи кучли. Шундан сўнг мутахассислар архивдаги маълумотларни варақлаб, **1913 йилдан буён дарёдан ҳар йили ўртача 130-300 миллион кубометр сув оқиб турганини аниқладилар. Баҳор тошқинида секундига 350-400 кубометр сел ўтгани ҳолда, саратонда экинлар айни сувга ташна пайтда 0,55 кубометр сув оқади.**

Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан «Ўзгидроводхоз» институтига Ғузор дарёсида қуриладиган Пачкамар сув омбори лойиҳасини тузиш ва уни қуришга киришиш вазифаси топширилди. Дарё устида қуриладиган сув қасри тўғонининг узунлиги 600 метр бўлади. Бу ерда бир йўла 280 миллион кубометр сув тўплаб бўлмайди. Ҳар йили 150-200 миллион кубометр тўплаб борилади. Тўғон мустаҳкам, чидамли материаллардан қурилмоқда. «Шуғоғи» темир-бетондан. Сув уриб кетмаслиги учун тоғ қояларининг ораларига ҳам бетон, цемент қуйилиб, «пломба» қилинаётир. Ғузор дениздинининг биринчи навбатини 1967 йилда қуриб битказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун иш уч сменада ташкил этилиб, пайвандчилар, бетончилар, қурувчилар тинмай меҳнат қилишяпти.

Икки галереяли сув дарвозаси трубалари ўрнатиб бўлинди. Бунга 16 минг кубометр бетон, 800 тонна арматура материаллари сарфланди. Гидроузел ҳам муддатидан илгари битказилиб, фойдаланишга топширилди.

«Пачкамарстрой» солномасига «1966 йил 6 июлда Ғузор дарёси жилованди» деб ёзиб қўйилди. Асосий тўғон ва узунлиги 278 метр қувурсимон сув ўтказгич белгиланган муддатидан анча олдин битказилди. Куни кеча бир неча ўн катта-катта самосваллар, бульдозерлар, скреперлар ёрдамида ирригаторлар икки томондан ҳужум қилиб, дарёни гирибонидан бўғдилар. Жанг-жадалда Норбой Муродов, Геннадий Лошченко, Карл Гумиров, Ортиқ Пўлатов, Сулаймон Маъмутов, Ҳамро Юсупов сингари юзлаб механизаторлар, шоферлар довюраклик намунасини кўрсатиб ишладилар.

Ғузор денгизининг биринчи навбатини 1967 йилда қуриб битказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун иш уч сменада ташкил этилиб, пайвандчилар, бетончилар, қурувчилар тинмай меҳнат қилишяпти.

Икки галереяли сув дарвозаси трубалари ўрнатиб бўлинди. Бунга 16 минг кубометр бетон, 800 тонна арматура материаллари сарфланди. Гидроузел ҳам муддатидан илгари битказилиб, фойдаланишга топширилди.

«Пачкамарстрой» солномасига «1966 йил 6 июлда Ғузор дарёси жилованди» деб ёзиб қўйилди. Асосий тўғон ва узунлиги 278 метр қувурсимон сув ўтказгич белгиланган муддатидан анча олдин битказилди. Куни кеча бир неча ўн катта-катта самосваллар, бульдозерлар, скреперлар ёрдамида ирригаторлар икки томондан ҳужум қилиб, дарёни гирибонидан бўғдилар. Жанг-жадалда Норбой Муродов, Геннадий Лошченко, Карл Гумиров, Ортиқ Пўлатов, Сулаймон Маъмутов, Ҳамро Юсупов сингари юзлаб механизаторлар, шоферлар довюраклик намунасини кўрсатиб ишладилар.

Ғузор денгизи 1968 йилгача тўла қуриб битказилади. Шунда район экинзорларига секундига 20 кубометр сув оқиб туради. Суғориладиган ерлар 5 баробар кўпаяди.

Қирғоқда турибмиз. Юқорида, қоялар орасида кучли портлаш бўлиб, атроф ларзага келади.

— Йигитларимиз қояларнинг «мўрт» жойларини портлатиб, бетон қуйишяпти, — дейди Андрей Яковлевич.

Майда тўлқинчалар қирғоққа урилиб, денгизчилар сардорининг оёғи остида эркаланади. Сўнг қум устидан сизиб, дарёга тушиб кетади.

— Ҳа, — дейди Андрей Яковлевич, — Ғузорсой районнинг истиқболи, шу азаматларнинг жасорати ҳақида куйлаяпти. Лекин, — Шербаковнинг юзида ташвиш аломатлари пайдо бўлди. Пешанасидаги ажинлар чуқурлашди, — айрим ташкилотлар ишимизга тўғоноқ бўляпти. Бировдан шикоят қилишим ёмон кўрманг, чора йўқ-да, мажбурман. Кувасой цемент комбинати пландаги цементни етказиб бермаяпти. Цемент-қурилишимизнинг нони. Қисқаси, ҳозир шу нонсиз ўтирибмиз. Телеграммалар жўнатишдан зерикдик. Кўзимиз йўлда.

И. ДАДАЖОНОВ (Пачкамар қурилиши партия ташкилотининг секретари):

— Бу ерда турли миллат ёшлари бир оила фарзандидек ишлашяпти. Тўғон ёнида дўстлик шаҳарчаси қад кўтарди. Лекин шундай катта, обод посёлкадан Ғузорга автобус қатнамайди. Область ташкилотлари шу масала билан қизиқса ёмон бўлмасди.

Пачкамардан шомда йўлга чиқдик. Катта ўзбек трактидан Деҳқонобод тоғлари оша юқорига кўтарилгаканмиз, дарада этак-этак юлдузлар сочиб қўйилгандек Пачкамар чироқлари порлайди. Қояларда бульдозер, экскаваторлар ҳайқириғи. Меҳнаткаш Пачкамар яратувчилик навосини куйлаяпти.

С. НУРОВ,
З. ИСРОИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

□ □

СУРАТЛАРДА: 1. Қурилишда ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаётган экскаваторчи Хабир Юлтиев (ўнгда) қурилиш касаба союз комитетининг раиси Николай Охмуш билан навбатдаги иш режаларини белгилаб олишяпти. 2. Сув ҳавзаси барпо қилинаётган жойда қудратли механизмлар ишлаяпти. 3. Пачкамар гидроузели.

А. Тўраев фотолари.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

МУКОФОТ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Янгийўлдаги 8-ғишт заводлари бошқармасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш ҳақида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилингач, «Совет Ўзбекистони» мухбири бошқарма директори Николай Алексеевич Кафирин билан телефон орқали боғланди.

— Орден муборак бўлсин! Коллективингизни юксак мукофот билан муборакбод қилиш ниятида сизга телефон қиляпмиз.

— Раҳмат. Коллективимизнинг меҳнатда эришган ютуқларига партия ва ҳукуматимиз жуда юқори баҳо берганлигидан бошқармага қарашли заводларнинг меҳнаткашлари жуда мамнунлар. Улар катта меҳнат мукофотига муносиб ишлаш учун янги тадбирларни кўраётирлар. Кўплаб ишчилар оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Беш йиллик топшириқларни муваффақиятли адо этиш учун янги ташаббуслар бошламоқдалар.

— Бошқарма коллективининг беш йиллик режалари, яқин кунлардаги ниятлари тўғрисида сўзлаб беролмайсизми?

— Бажонидил. Бу соҳада дастлабки жангу жадал бошланиб кетди. Илк ютуқларга эришилди ҳам. Беш йилликнинг олти ойида «оқ олтин» ўлкасининг бинокорларига салкам 57 миллион дона пишиқ ғишт етказиб берилди. Айниқса Тошкентга ёрдамни кучайтириб юбордик. Республикамиз пойтахтида тиклаётган уй-жой бинолари учун кўплаб миқдорда сифатли ғишт етказиб бериш учун кураш мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Ғиштчилар қутлуғ беш йилликнинг дастлабки йили охиригача пландан ташқари 2 миллион дона қурилиш материали ишлаб чиқариш тадбирларини кўраётирлар.

— Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошириладими?

— Ҳа. Анчагина янги қувватлар фойдаланишга топширилади. Йил сайин ғишт ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир муҳим тадбирлар кўрилмоқда. Кейинги икки-уч ой ичида ҳар йили 25 миллион дона ғишт тайёрлаб бера оладиган янги қувватлар ишга туширишдан. Август ойида йилига шунча маҳсулот тайёрлайдиган янги агрегатлар фойдаланишга топширилади. Шу тариқа корхонада қурилишнинг нони ҳисобланган ғишт ишлаб чиқариш икки баравларга яқин кўпайтирилади.

— Бошқармага қарашли корхоналар маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганига кўп вақт бўлганми?

— Йирик панеллар ёрдамида иморат тиклаш расм бўлгунча бошқармамиз коллективи шаҳардаги қурилиш материаллари саноати корхоналари ичида энг зарури, мавқеи баланди ҳисобланар эди. Йирик панеллар чиқдию, Тошкентга ғиштни кам юборадиган бўлиб қолдик. Хайриятки, кейинги вақтларда ғиштнинг жуда зарур қурилиш материали эканлиги мутахассислар томонидан тан олинди. Ғишт ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берила бошлади. Бу даврда бошқармамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам янги марраларни кўзлаб иш тута бошладилар, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида муҳим ташкилий-техникавий тадбирлар кўрдилар. Натижада ўтган етти йилликда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ғишт тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилаш соҳасида анча-мунча ютуқларни қўлга киритдик. Етти йилликда ғишт ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Эндиликда ғишт тайёрлашни кўпайтириш учун оқ йўл очилди. Партия ва ҳукуматимиз бизга ҳар томонлама мадад кўрсатяпти. Бошқарма ғишт заводларида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарила бошлаганига 35 йил тўлди.

— Беш йиллик топшириқларини бажаришда шахсий намуна кўрсатаётган кишилар билан таништирсангиз деган орзумиз бор эди.

— Бундай кишилар бизда жуда кўп. Х. Холмуродов, А. Задой, Ғ. Шукуров, Ф. Вагнер каби ветеранларимиз билан фахрланамиз. Коллективимизнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги ишчи ва инженер-техник ходимларни янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Сурхондарё область, Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор Исмоил Убайдуллаев Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажоновнинг **«Механизатор, жасорат кўрсат!»** сарлавҳали хатини ўқиб чиққач, область **«Ленин байроғи»** газетасига «Менинг мажбуриятим» сарлавҳали мақола ёзиб юборди.

«Ўтган йили «пўлат этак»лардан 2.200 тонна пахта тўкиш планлаштирилган эди. Колхозимизда 51 агрегат билан 4.446 тонна «оқ олтин» йиғиб-терив олинди. Ҳар бир терим машинасига 56 тоннадан кўпроқ пахта тўғри келди»,— дейди Исмоил Убайдуллаев.

Сариосиёлик механизатор Мамажон Дадажоновнинг чақиригига жавобан 4 та шогирд тайёрлаш, мавсумда ўзи 180 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

«Ихтиёримизда ҳозир 20 мингдан кўпроқ машина бор, — деб ёзган эди Мамажон Дадажонов. — **Ҳар бир агрегат билан икки тоннадан пахта терилганда ҳам бир кунда 40 минг тонна бўлади. Бир ойда 1 миллион 200 минг тоннага етади».**

Ҳозир пахта далаларида 3 миллион 750 минг тонналик катта ҳосилнинг тақдири ҳал бўляпти. Кузакда камида 1 миллион 175 минг тонна «оқ олтин» хирмонларга бункерлардан тўкилиши керак.

Қоракўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг механизатори Тўхтағул Қодирова ҳам чақириққа жавобан 4 та шогирд тайёрлаш, мавсумда 100 тонна пахтани машинада териш мажбуриятини олиб, **«Бухоро ҳақиқати»** газетасига хат ёзди.

«Сирдарё ҳақиқати», «Коммунист» (Андижон), **«Коммуна»** (Фарғона), **«Ленин йўли»** (Самарқанд) **«Хоразм ҳақиқати»** область ва бир қанча район газеталарида «Мамажон Дадажонов изидан» деган рубрика остида механизаторларнинг ўз зиммаларига олган конкрет мажбуриятлари мунтазам ёритилмоқда.

Область, район газеталари атоқли механизатор Мамажон Дадажоновнинг хатига жавобан ўз зиммасига конкрет мажбурият олаётган дала гвардиячиларининг мажбуриятларини ёритиш билан бирга жойларда терим машиналари қандай ремонт қилинаётганлиги, механизатор кадрлар тайёрлашга қанчалик эътибор берилаётганлиги ҳақида танқидий материалларни ҳам бериб боришлари, Мамажон Дадажонов кўрсатган ватанпарварлик ташаббусининг ҳамма ерда кенг қулоч отиши учун ташкилотчилик кўрсатишлари керак.



Сирдарё область Ильич районидаги 18-«Фарғона» совхозининг 2-бўлим механизатори Эргаш Тиллаев 1.250 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаш мажбуриятини олган эди. У ҳозиргача 800 гектар ердаги ғўзани культивация қилди. **Суратда:** ўрток **Эргаш ТИЛЛАЕВ.** **А. Тўраев фотоси.**

ҚАРДОШЛАРИМИЗ МАСЛАҲАТИ — ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

ИСТАКЛАРИМИЗ

Ўзбек пахтакорлари Озарбайжон колхоз ва совхозлари меҳнаткашларига ҳамиша ёрдам бериб келдилар ва ёрдам бермоқдалар. «Оқ олтин» соҳиблари—ўзбеклар ўзларининг илғор тажрибаларини биз билан ҳаммавақт баҳам кўриб келяптилар. Биз даставвал пахтачилик илғорларига, бригада, звено, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига уларнинг саммийлиги ва қардошларига кўп нарса ўргатганликлари учун ташаккур изҳор этамиз, ўз навбатимизда пахтакорлик шарафига доғ туширимаймиз, ўз устозларимизнинг муносиб шогирдлари, бўлиш учун бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз.

Биз сизларнинг муваффақиятларингизни дўстона кузатиб бормоқдамиз, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ютуқларидан бениҳоя қувонмоқдамиз, сизларнинг пахтачилик хўжаликларингизда узоқ йиллар давомида тўпланган тажрибаларни, янгиликларни, прогрессив усулларни ўзимизда кенгроқ жорий этишга интилмоқдамиз.

Сизларнинг намуранги, юксак кўрсаткичларингиз ҳосилдорликни ошириш, пахта таннархини камайтириш, механизацияни кенг ривожлантириш — ҳар бир хўжаликнинг, ҳар бир бригаданинг қўлидан келажагини яққол кўрсатиб турибди. Яна уқтириб айтамизки, ишнинг кўзини билган, сидқидилдан меҳнат қилган ҳар бир хўжалик ана шунга эриша олади.

Биз Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг мамлакатга донги кетган машҳур механизатори Жавод Кўчиевнинг иши устида тўхталмоқчимиз. Пахтачилик новатори бўлган бу киши ҳамиша ижодий изланишда, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва комплекс механизацияни янада ривожлантиришнинг янги йўлларини излаб топмоқда.

Жавод Кўчиев уч йилдан буён қатор ораларини 90 сантиметр қилиб чигит экяпти. Биз унинг даласида бўлганимизда чигит экишнинг ана шу прогрессив усули катта афзалликларга эга эканлигини ўз кўзимиз билан кўриб ишондик. Ер яхши юмшатилган, ғўза етарли миқдорда озиқлантирилган. Сув чуқур эгатлар орқали жилдиратиб оқизилмоқда. Бунинг учун сифон трубаларидан оқилона фойдаланилмоқда. Ўз ишини аъло даражада билиш, фидокорона меҳнат, ерни севиш ўтган йилардаги каби бу йил ҳам ўзининг ажойиб самараларини кўрсатмоқда. Ғўза туплари шох отиб яхши ривожланмоқда, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар тупида 7-8 тадан бўлиқ кўсак бор. Биз Кўчиев далаларининг ҳар бир гектаридан 35 центнердан ҳосил олинишига аминмиз.

Бригадамиз аъзоларидан бири — Салян районидаги «Октябрь» колхозининг агрономи Козим Алиев мана бундай қатъий қарорга келди: келгуси йили энг илғор бригадалардан бирига чигитни кенг қаторлаб экишни тавсия этаман. Шундай қилишимизга сиз, Жавод Кўчиев, яхши тажрибангиз ундаяпти, деди у.

Озарбайжонлик пахтакорлар ўзларининг ўзбек дўстларидан ана шундай таълим олмоқдалар.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бири — Мартакарт районидаги Фрунзе номли колхознинг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи Арташес Бабалян Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг нарядсиз системада ишлаётган Расул Исҳоқов бошлиқ механизациялашган звеноси билан мусобақа боғлашга қарор қилди. Бизнинг механизаторимиз шу йилнинг ўзида ҳар гектар майдондан илгари ваъда қилганига кўра 10 центнердан кўп пахта беришга аҳдлашди. Мусобақа тўғрисидаги шартнома Расул Исҳоқов бошлиқ звено аъзолари ҳамда ўзаро текшириш бригадаси вакиллари иштирокида имзоланди.

Республикамиздан келган вакиллар тўртта ўзаро текшириш группасига бўлиниб, Тошкент, Сирдарё, Андижон ва Фарғона областларининг далаларини кўздан кечирди. Биз 21 район, 76 колхоз, 16 совхоз, 122 бригада ва звеноларда, СоюзНИХИ ҳамда Фарғона тажриба станцияси далаларида бўлдик.

Янгийўл ва Бўка районларининг кўпгина хўжаликларида ғўзанинг яхши ривожланаётганлиги бизда яхши таассурот қолдирди. Бу хўжаликларда кўчатлар қалин, ҳар тупда кўп миқдорда кўсак бор. «Ленинизм», Киров номли, Карл Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари барча пахтакорлар учун намуна бўла оладилар.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Бўка районидаги бир қатор хўжаликларда жиддий нуқсонларни очиб ташладилар Баъзи бригадаларда ғўзага керагидан ортиқча сув қўйилмоқда, айримларида эса ғўза сувсизликдан чанқаб қоляпти. Бунинг оқибатида гул ва шона, ҳосил тугунчалари тукилиб кетяпти. Айрим жойларда культивация кеч ўтказилмоқда, чеканка қилувчи машиналардан яхши фойдаланилмаётир, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш бўш.

Янгийўл районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Сирдарё районидаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли, «Ленинград» колхозларида, Гулистон районидаги «Гулистон» совхозида, Жиззах районидаги Ленин номли ҳамда «Зарафшон» колхозларида агротехника қоидалари қўпол равишда бузилмоқда.

Бизнинг танқидий мулоҳазаларимизни ҳисобга олиб, Янгийўл район партия комитетининг бюроси нуқсонларни ўн кун муддат ичида тугатиш юзасидан колхоз раҳбарларига кўргазма берди. Сирдарё область партия комитетининг бюроси хўжалик раҳбарларига ғўзани кечаю-кундуз суғоришни уюштиришни, бегона ўтларга қарши курашни кучайтириш, чеканкани тезлаштиришни топширди. Ана шундай тадбирларнинг қўлланилишига бизнинг ўзаро текшириш бригадамиз томонидан партия комитетлари бюро йиғилишларида қилинган ҳисобот ўз таъсирини кўрсатди, деб ўйлаймиз.

Бошқа областларда ҳам ғўза парваришини жадаллаштириш юзасидан оператив чоралар кўрилди. Ғўза парваришига совуққонлик билан қараганлиги учун Ленинград районидаги «Партия XX съезди» совхозининг бўлим бошқарувчиси Эшенгулаев ишдан олиб ташланди.

Культивация ўз вақтида ва сифатли ўтказилса тупроқда нам сақлаб қолинади, бинобарин, ҳосил тугунчалари сақлаб қолинади. Бу оддий ҳақиқатдир. Шундай бўлгани ҳолда Сирдарё районидаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли, «Ленинград» колхозларида негадир тескари иш тутишяпти.

Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхозининг кўпгина участкаларида юқори ҳосилдан дарак берувчи ғўзаларни кўрдик. Лекин бир нарса эҳтиёт бўлишни тақозо этади. Ўртоқ Бобоев бошлиқ бригадада чеканка қилувчи аппаратлар ғўза тупларидан анча баланд қилиб мослаштирилган ва чеканка қилиш пайтида кўпгина ғўза тупларига аппарат тегмай ўтиб кетади. Ана шу бригадада ғўзани суғоришдан кейин культивация ўтказиш лозим эди. Бироқ, культивация ўрнига тағин эгат олинган.

Учинчи бўлимнинг ўртоқ Абдалиев бошлиқ бригадасида ғўза ҳали ёш, ҳар тупда бир-иккитадан кўсак бор, холос. Шундай бўлишига қарамасдан, бу ерда ҳам ғўзани фақат суғоришяпти, культивацияни эса тўхтатиб қўйишган. Бундай кераксиз агротехника қандай натижалар бериши ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ўзаро текшириш группаларининг аъзолари худди шундай аҳволни Киров, Еттисой, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл ва Пахтаорол районларидаги колхоз ҳамда совхозларда ҳам учратдилар.

Фарғона районидаги «Ёш ленинчи», Андижон районидаги «Ленинград» колхозларида жуда ҳунук аҳволнинг устидан чиқдик — ғўза пайкалларида моллар оралаб юрибди. Айрим механизаторларнинг масъулиятсизлиги оқибатида кўпгина ғўза туплари нобуд бўлиб кетмоқда. Кўпинча улар тракторларни эҳтиётсизлик билан ҳайдашади, ғўза тупларини янчиб кетишади.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг Ўзбекистон пахтакорларига билдирган истаклари қуйидагилардан иборат:

Ғўзани чеканка қилишни қисқа муддатда тугаллаш лозим. Суғоришни тартибли равишда олиб бориш, культивация даврида тупроқнинг юмшоқ бўлишига эришиш талаб этилади. Шу билан бирга, тупроқ чуқур юмшатилсин. Мўл ҳосил тўплаш учун олиб борилаётган ҳозирги кураш ана шундан иборат бўлмоғи зарур.

Биз тажрибали ўзбек пахтакорлари учун ҳеҳандай сир очмоқчи эмасмиз, лекин шуни айтишимиз керакки, ҳозир пахта далаларини бегона ўтлардан батамом тозалаш керак. Бу, пахта териш машиналаридан кенг фойдаланиш, уларнинг иш унумини ва сифатини ошириш, топшириладиган пахтанинг сифатли бўлишига эришиш имкониятини беради.

Ривожланишдан орқада қолган участкалардаги ғўзаларни парвариш қилиш ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш билан боғлаб олиб борилиши зарур. Пахтаси машинада териладиган участкаларни яқин кунлар ичида ажратиб бериш, уларни механик ҳайдовчиларга биркитиб қўйиш, дефолиацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш лозим.

Пахта териш машиналарини ремонт қилиш ва мавсумга тайёрлаш соҳасида содир бўлаётган камчиликларни тугатиш учун жиддий тадбирларни кўриш талаб этилади.Асфальт ётқизилган майдончаларни ремонт қилиш, янги майдончалар қуриш, сарой ҳамда сушилкаларни тахт қилиб қўйиш ишини тезлаштириш керак.

КПСС Марказий Комитети март (1965) ва май (1966) Пленумлари қарорлари биз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун жанговар программа ҳисобланади. Биз, Озарбайжон республикаси ўзаро текшириш бригадаси аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қарорлари ўзбек дўстларимиз томонидан қандай турмушга татбиқ этилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Чиндан ҳам ўзбеклар бу қарорларни оғишмай амалга оширмоқдалар, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни тез суръатлар билан ривожлантирмоқдалар.

Ўзбек пахтакорларига биз — қардошларини очиқ чеҳра билан меҳмондўстларча кутиб олганликлари учун қизғин ташаккур билдирамиз. Чунки, улар ўз тажрибалари билан дўстона ўртоқлашдилар. Бу тажрибаларни биз ўз республикамизда сўзсиз кенг қўлланамиз. Биз Ўзбекистон меҳнаткашларига улкан пахта хирмони учун курашда, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Г. АБДУЛЛАЕВ — Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари; Ф. ЭФЕНДИЕВ — Агдам район партия комитетининг биринчи секретари; Я. АҲМЕДОВ — Агдам район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи; А. БОБОЕВ — Пушкин район ижроия комитетининг раиси; Г. СЕЛИМХАНОВ — республика Қишлоқ хўжалик министрлиги химизация ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бошқармасининг бошлиғи.

ҲУВИЛЛАГАН МАГАЗИНЛАР

Авжи пишиқчилик. Боғларда мева, полизларда қовун-тарвуз гарқ пишди. Колхоз бозорига кириб, сахий ёз ноз-неъматларини кўриб кўзингиз қамашади. Бироқ шундай пайтда Фарғона шаҳар савдо бўлими, кооператив ташкилот ва айрим колхозларга қарашли дўконлар сабзавот ва мевасиз ҳувиллаб ётибди.

Мана, Охунбобоев районига қарашли Ленин номли колхознинг дўкони. Сотувчи Н. Эминов нима қиларини билмай эснаб ўтирибди. Мева дўконида пачоқ тош олма ва хом нокдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Кооператив савдога қарашли 5-дўкон сотувчиси Жилқинбой Ҳайдаров бундай деди:

— Помидор бозорда 10 тийин, бизда 18 тийин. 2 тийинлик қизилчага 6 тийин нарх қўйишибди. Буни кўрган харидорлар дўконнинг ёнига йўлашмаётирлар!

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи 4- дўконда ҳам пахта мойи, консерва бор, холос. Савдо касод. Пиёз, сабзи, карам, шафтоли, ўрик, олма келтирилган эмас.

Бозор ўртасида ойнаванд, шинам иккита бино пештоқига «Мева ва сабзавотлар магазини» деб ёзиб қўйилган. Бироқ бу 65 ва 73-магазинларга кириб ҳайрон қоласиз. Мева ва сабзавот учун мўлжаллаб қилинган токчаларда ароқ, вино шишалари тизилган. Бозор ва шаҳар атрофидаги дўконларнинг 70 процента фойдаланилмай ётибди. Фрунзе массивида қурилган катта павильон-дўконлар ҳам қулф. Ҳатто ремонт ҳам қилинмаган, чанг босиб ётибди. Қарангки, шу дўконлар ёнида, йўл бўйларида сабзавот ва мева сотувчилар ерларга ўтириб савдо қилишяпти. Бозор территориясидаги 65-магазин ва қатор дўконлар ҳам шундай аҳволда. Ана шу берк дўконлар очилса, ёки сотувчиларга ижарага берилса, деҳқонлар келтирган маҳсулот улгуржисига сотиб олиниб мазкур дўконларда сотилса бўлмайдими?

Хўш, нега мева ва сабзавот савдоси ёмон? Фарғона шаҳар савдо бўлими (директори ўртоқ Йўлдошев), область матлубот жамиятининг шаҳар кооператив савдоси бўлимининг (директори ўртоқ Ёқубов) раҳбарлари мева ва сабзавот савдосини ташкил этиш ва уюштиришга совуққонлик билан қарамоқдалар. Шаҳар савдо бўлими, матлубот кооперацияси базаларидан шу кунгача 200 тонна ўрнига савдо шохобчаларига атиги 20 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқарилди. Қатор дўконларда сабзавот ўрнига бошқа товарлар сотилмоқда. Маргилон, Қўқон шаҳарларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ҳар уч шаҳардаги 81 та дўконда олти ой давомида 70 тонна сабзавот сотилганини қандай баҳолаш мумкин?!

Яқинда шаҳардаги Комсомол кўчасида сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан савдо қилиш учун ярмарка очилди. Бу яхши. Бироқ, Фарғона шаҳар савдо бўлими раҳбарлари фақат мавсумий эмас, йил-ўн икки ой шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш бурчлари эканини, фақат ярмаркада эмас, шаҳарнинг ҳамма жойидаги дўконларда ҳам савдо-сотиқ ишларини яхшилаш зарур эканини унутмасликлари керак.

Б. МАҲМУДОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ХАЛҚ БОЙЛИГИ ҚЎРИҚЧИЛАРИ

Совет Қорақалпоғистонида табиий бойликлар кўп. Уларни инсонга хизмат қилдириш энг муҳим вазифадир. Автоном республиканинг ана шу бойликларидан бири — баликчилик ҳисобланади. Амударё сув ҳавзасидаги балиқларни сақлаш ва балиқчиликни тартибга солиш Давлат инспекцияси ходимлари мана шу бойликни кўз қорачиғидай сақлаб, ўз бурчларини сидқидилдан бажаришга интилмоқдалар.

Беруний ва Тўрткўл районлари территориясидаги сув ҳавзаларида хизмат қиладиган зонамиз инспекция ходимлари Амударё бўйлаб Қоратов посёлкасидан то қардош Туркманистоннинг Чоржўй области чегарасигача бўлган 250 километр масофадаги сув ҳавзасида балиқларни муҳофаза қилмоқдалар.

Дарёнинг ўнг қиргоғида бирбирига улашиб кетган қатор ирригация-мелиорация шохобчалари, катта-кичик сув ҳавзалари бўлиб, уларда умумий узунлиги 70 километрдан ортиқ бўлган «Пахтаорна» канали орқали эрта баҳордан кеч кузга қадар сув оқиб туради. Шу жиҳатдан олганда бу ерда балиқчиликни кенг ривожлантириш имконияти мавжуд. Бу сув ҳавзаларида балиқнинг бутун йил бўйи бемалол урчиб, кўпайиши учун ҳамма шарт-шароитлар бор.

Бу ҳавзаларнинг энг каттаси ҳисобланган Тўрткўлдаги 20 минг гектар майдонни эгаллайдиган Сўққилакўл, 4 минг гектарли Қирққизкўл ва Беруний районидаги 12 минг гектар майдонда ястаниб ётган Оқчакўл деган жойларда йилига 3 минг центнергача балиқ тутиб давлатга топшириш имконияти бор.

Ана шу энг арзон табиий бойлигимизни қўриклашда инспекциямиз ходимлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Инспекциямизнинг старший инспектори Жуманазар ака Яхшимуродов ўн уч йилдан буён бу ерда ишлайди. Қишнинг изғирин тунларида ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам постида доим хушёр. Шу давр ичида Жуманазар ака қанчадан-қанча йўлларни ғоз пиёда, гоҳ мотоциклда босиб ўтган экан?

Ўртоқ Яхшимуродовга ўхшаган ходимлар орамизда кўплаб топилади. Мана шу қалби олов кишилар эл бойлигини кўпайтириш йўлида туну кун меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил баҳорда сув ҳар қачонгидан ҳам кам бўлди. Оқибатда ҳавзалардаги балиқ запасларини қўриқлашда бирмунча қийинчилик туғилди. Буни ҳисобга олиб, жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда жамоатчи инспекторлар танладик. Уларнинг ҳар бирига сув ҳавзасининг муайян участкасига кўз-қулоқ бўлиб туриш вазифаси юкланди. Бутун территориямизда шу вақтга қадар балиқчилик қонун-қоидалари бирор марта ҳам бузилгани йўқ. Бунда старший мотористларимиз ва инспекторларимиздан Норбой Янгибоев, Эркабой Худойқулов ва уларнинг сафдошларининг ҳиссаси катта.

Апрель ва май ойларида республикамиз миқёсида дарё ва кўлларда, хўжалик аҳамиятига эга бўлган сув ҳавзаларида балиқ овлаш ман қилинди. Шу фурсатдан фойдаланиб, унинг запасларини кўпайтириш чораларини кўрдик. Қисқа вақт ичида 71 миллион донадан кўпроқ майда балиқлар қолдиқ сувлардан йиғиб олиниб, махсус автомашина ва бочкаларда кўл ва дарёга қўйиб юборилди. Орадан кўп ўтмай булар бойлигимизни яна ҳам тўлдиради.

М. ОТАБОЕВ,
Амударё сув ҳавзасидаги балиқларни сақлаш ва балиқчиликни тартибга солиш Давлат инспекциясининг ходими.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун қандай бажарилаётгани ҳақида Самарқанд область ижроия комитети раиси А. А. Хўжаев докладини муҳокама қилди. Табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш юзасидан Олий Совет доимий комиссиясининг аъзоси Қ. Т. Тоиров шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

Табиий бойликлар ва ресурсларни, хом ашё ва энергетика манбаларини сақлаб қолиш ҳамда ўзўзидан қўпайтириш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш ва деҳқончилик маданиятини яхшилаш соҳасида областда муайян иш қилинганлиги мажлисда кўрсатиб ўтилди. Бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига ер фонди 141 минг гектар кўпайтирилди.

Самарқандликлар ер ости сувларидан кенг равишда фойдаланмоқдалар. Ов қилинадиган жойларнинг аҳволини яхшилаш учун бир талай амалий чоралар кўрилди.

Айни бир маҳалда табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунни бажаришда Самарқанд областида жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Кўпгина маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари табиий бойликларни сақлаб қолиш ва доимо кўпайтириш масалаларига лозим даражада аҳамият бермаяптилар, шундай бойликларни комплекс равишда кўпайтирш тўғрисида етарли гамхўрлик қилмаяптилар. Область ижроия комитетининг тармоқ бошқармалари ва бўлимлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари табиатни муҳофаза этишга озми-кўпми даражада алоқадор бўлган қарорларни анчагина қабул қилганлар-у, лекин яхши ташаббуслар ҳамма вақт ҳам охирига етказилган эмас.

Область Советининг табиатни муҳофаза қилиш ва кўкламзорлаштириш доимий комиссияси лозим даражада активлик кўрсатмаяпти. Бу комиссия нуқул дарахт ўтказишга маҳлиё бўлиб, аслида бошқа муҳим проблемаларни ҳал қилиб бермаяпти, масалан, кўл ва дарёларнинг ҳамда ҳавонинг ифлосланишига қарши курашмаяпти. Ургутни истисно қилганда областдаги район ва шаҳар Советларида тегишли доимий комиссиялар тузилмаган. Ижроия комитетлар ҳузуридаги маъмурий комиссиялар браконьерларга ва қонунни бузаётган бошқа кишиларга қарши кескин кураш олиб бормаяпти, кўллар, дарёлар ва ҳавонинг ифлослантирилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортмаяпти.

Олий Совет Президиумининг қабул қилган қарорида аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш тадбирлари белгиланди. Асосий вазифа умумхалқ мулки бўлган табиат бойликларини сақлаб қолишдангина иборат бўлиб қолмай, балки шу бойликларни кўпайтиришдан ҳам иборатдир, деб таъкидлаб ўтилди. Табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш проблемалари кенг жамоатчилик ва матбуотнинг ҳамиша диққат марказида бўлмоғи керак. Қонуннинг ҳар бир моддасига қатъий риоя этилишини таъминламоқ учун барча маъмурий ва жамоат таъсири кўрсатиш чораларидан фойдаланиш лозим.

Олий Совет Президиуми ўзининг ана шу мажлисида гражданларни қабул қилиш ва зилзила оқибатларини тугатишга тааллуқли шикоятларни кўриб чиқиш қандай йўлга қўйилгани ҳақида Тошкент шаҳридаги Киров район ижроия комитетининг ҳисоботини тинглади.

Олий Совет Президиуми қайд қилиб ўтдики, Киров район ижроия комитети табиий офат оқибатларини йўқотиш соҳасида каттагина иш қилганига қарамай, гражданларнинг шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўймоқда. Район ижроия комитети билан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бўлимларида тегишинча тартиб ўрнатилмаганлиги, ўз зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини чаққонлик билан пухта бажаришлари учун ходимларга нисбатан юксак даражада талабчанлик кўрсатилмаётганлиги сабаблигина шикоятлар билан аризалар сони кўпайиб кетганлиги текширишда маълум бўлди. Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер участкаларга ажратиб беришда район ижроия комитети билан Тошкент шаҳар ижроия комитети сусткашликкa йўл қўяётганлиги бунга мисол бўла олади. «Главташкентстрой»нинг нўноқлиги орқасида кўп шикоятлар тушилмоқда. Бу идора уй-жойларни ва маъмурий биноларни тиклаш билан ҳали ҳам дуруст шуғулланаётгани йўқ.

Олий Совет Президиуми Киров район ижроия комитетига шикоят ва аризаларни кўриб чиқишни кенг ривожлантириш имконияти мавжуд. Бу сув ҳавзаларида балиқнинг бутун йил бўйи бемалол урчиб, кўпайиши учун ҳамма шарт-шароитлар бор.

Бу ҳавзаларнинг энг каттаси ҳисобланган Тўрткўлдаги 20 минг гектар майдонни эгаллайдиган Сўққилакўл, 4 минг гектарли Қирққизкўл ва Беруний

МАФТУНИНГМАН, ЎЛКАМ «БАҲОРИ»

(САНЪАТ МУХЛИСЛАРИ ЁЗАДИЛАР)

Ҳар куни редакциямизга кўплаб хат-хабарлар келаётир. Ўзбекистон Давлат «Баҳор» рақс ансамбли Россия Федерациясининг шаҳарлари бўйлаб гастролга чиқди. Концертлар санъат мухлисларини хушнуд этдилар. Она юртидан узоқда, Совет Армияси сафида хизмат қилаётган бир группа жангчилар рақс ансамблининг концертларидан беҳад қувонганликларини тўлқинланиб ёзадилар. Оддий солдатлардан С. Соҳибов, Ж. Аҳмедов, О. Ортиқов, О. Бекназаров, М. Машарипов, Ш. Холматов, капитан В. Бахтин ва бошқалар ўз хатларида СССР халқ артисткаси, Давлат мукофотининг лауреати Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» қизларининг рақсларидан мафтун бўлганликларини ва улар концертининг ҳар бир номери томошабинларнинг қизғин олқишлари билан тақдирланганлигини таъкидлайдилар.

Оддий солдатлар Ф. Полвонов ва Ў. Аҳмедовлар редакциямизга йўллаган мактубларига «Раҳмат сенга, юртим «Баҳори» деб сарлавҳа қўйибдилар.

Улар раққосалардан Тамара Юнусова, Қундузхон Миркаримова, Эркиной Расулхўжаева, солист Қаҳрамон Дадаевлар ижро этган рақс ва қўйлар жангчиларга манзур бўлганлигини баён қиладилар.

Тожикистонлик Ж. Турсунов С. Айний номидаги Бухоро область давлат музикали комедия театри коллективи Душанба шаҳрига гастролга келганлигини ёзган. Театр коллективининг репертуари ранг-барангдир.

Ўз навбатида Душанбадаги Лоҳутий номидаги академик драма театри артистлари Бухорога келишди. Тожик санъаткорлари область меҳнаткашларига тожик ва совет драматургларининг асарларини намойиш қилиб, концертлар кўрсатдилар.

Қашқадарёлик томошабинлар қорақалпоқ санъати билан танишмоқдалар. Бир группа қорақалпоғистонлик артистлар гастролга келишди. Ў ҳақда бизга яккабоғлик Х. Қўқонов хабар берган.

Пойтахтимиздаги Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри артистлари Фарғона водийсида гастролда бўлиб, Наманган, Андижон, Фарғона шаҳарларида кўрсатган концерт томошалари муваффақиятли ўтди, деб ёзади З. Йигиталиев.

Бундан ташқари Каттақўрғон шаҳридан А. Ҳошимов, оққўрғонлик М. Карачик ва бошқалар ҳам санъаткорларимиз хизматидан мамнун бўлганликларини ёзганлар.

Редакциямизга келаётган ҳар бир мактубда санъаткорларимизга нисбатан томошабинларнинг бениҳоя ҳурмати ва улар маҳоратига берилаётган юксак баҳо балиқиб турибди. Санъаткор учун эса томошабиннинг таҳсинидан ҳам кучлироқ туҳфа йўқ.

ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ!



Тошкент радио уйида 26 апрелдан анча илгари бўлган эдим. Мана, яна ўша ерда-ман. Ҳамсуҳбатим — радио уйининг бош инженери Ғофур Раҳимов:

— Мана, шундай омонатгина ишлаб турибмиз, — дейди у чодирларга жойлашган ўз «хўжалиги»ни кўрсатиб.

Чиндан ҳам илгарги кўркам радио уйи ва унинг олдидаги чиройли гулзор ҳозир йўқ. Уларнинг ўрнида бир неча чодирлар ва махсус автомашиналар турибди. Радио уйининг асосий биноси зилзиладан қаттиқ шикастланди. Шу сабабли ноқулай шароитда бўлса ҳам бутун эшиттиришларни ташқарида олиб боришга тўғри келди. Ҳозир дикторлар эшиттиришларни махсус автобусдан олиб борадилар, чодирларда телетайп аппаратлари тинмайди...

— Биз зилзиладан кейин эшиттиришларни танаффуссиз олиб бора бошладик, — деб таъкидлайди Ғ. Раҳимов. — Ходимларимизнинг жонбозлиги туфайли радио эшитувчилар энг сўнгги янгиликларни ҳам ўз вақтида эшитиб боряптилар. Қани, энди юринг, янги уйимизни кўрсатай.

Биз беш қаватли катта бино томон юрдик. Ҳақиқатан жуда чиройли! Замонавий архитектура услубида бетон ва ойна билан қурилган бу бинони кўрганда киши завқланади. Тез кун ичида ҳамма чодирларда турганлар шу бинога кўчиб ўтадилар. Бинодаги хоналар жуда қулай, кўркам. Уларнинг баъзиларига ҳозироқ радио аппаратлар ўрнатиб қўйилди.

Биз бош инженер билан хайрлашиб, чодирлардан иборат «радио уйи»дан чиқа бошлаганимизда тепадаги радиокарнайда «Тошкентдан гапирамиз» деган жарангдор овоз янгради. Тошкент радиостанцияси навбатдаги ўз эшиттиришини давом эттирмоқда эди.

Л. Глауберзон.

◆ ◆

Суратларда: 1. Тошкент радио уйининг янги биноси. 2. .. ҳозирча эшиттиришларни чодирда олиб боришга тўғри келяпти. 3. Радио уйининг бош инженери Ғ. РАҲИМОВ (ўнгда) ва зонал лабораториянинг старший инженери Ҳ. ҲАКИМОВлар радио эшиттириш аппаратлари олдида. 4. Радио уйининг юраги — марказий аппаратлар хонаси. Старший инженер Умида ҚОДИРОВА (чапда) ва старший техник Галина КАМАЕВАлар радиоэшиттириш аппаратлари пультини бошқармоқдалар.

И. Глауберзон фотолари

Фото лавҳалар



ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЯПОН ЭЛИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ТОКИО, 27 июль. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун Япония Бош министри Эйсаку Сато билан учрашди. Эйсаку Сато билан А. А. Громико ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда ҳозирги халқаро вазият проблемалари ҳамда Совет—Япония муносабатларини ривожлантириш масалалари устида фикрлашиб олинди.

Суҳбатда Япония томонидан ташқи ишлар министри Эцусабуро Сиина, Министрлар Кабинетининг бош секретари Томи Сабуро Хассимото, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Такэдзо Симода, Японияннг СССРдаги элчиси Тору Накагава, Совет томонидан — СССРнинг Японядаги элчиси В. М. Виноградов, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Н. Г. Судариков, СССР ташқи ишлар министрлигининг маслаҳатчиларидан И. И. Ивволитов, А. П. Оконошников, В. М. Суходрев иштирок этдилар. Суҳбат ошкора дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатдан кейин Бош министр Эйсаку Сато СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига зиёфат берди. Сато билан А. А. Громико зиёфат вақтида нутқ сўзлашди.

Эйсаку Сато бундай деди: Япония ўзининг ташқи муносабатларида шунга эҳтиёж сезяпти, у халқаро можароларни бартараф этишнинг усули сифатида таҳдид қилиш ёки ҳарбий куч ишлатишдан умрбод воз кечгандир. Сўнгра Япония Бош министри сўзини давом эттириб, Япония шу асосий ғояга амал қилган ҳолда сиёсий масалаларни ва социал тузуми бошқача бўлган ҳамма мамлакатлар билан ҳам бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципи асосида дўстона муносабатларни ривожлантира олади, деди. Эйсаку Сато ўз нутқида ҳамжиҳатликни ва ишончни чуқурлаштириш ҳамда тинчлик манфаатларига ва инсоннят бахт-саодатига хизмат қилиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаш зарурлигини таъкидлади.

Япония Бош министри давлат раҳбарлари ўртасидаги алоқалар ва учрашувлар мамлакатлар ўртасида дўстона яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. Япония билан СССР ўртасидаги дўстона яхши қўшничилик муносабатлари, деди у, бутун дунёда тинчлик учун мустаҳкам негиз вужудга келтиради.

Шундан кейин сўзга чиққан А. А. Громико ўзига Японияга ташриф этиш имконияти берилганлигидан мамнун эканлигини айтди.

Совет Иттифоқида, деди, у, Япония давлат арбоблари билан ўрнатиладиган алоқаларга катта аҳамият бермоқдалар. Бундай алоқалар энг катта халқаро проблемалар устида ошкора фикрлашиб олишга имкон беради, Совет — Япония муносабатларини бундан буён ҳам самарали тарзда ривожлантиришга кўмаклашади.

Гарчи, деб сўзини давом эттирди А. А. Громико, айрим снёсий масалаларда бизнинг қарашларимиз баъзан бирбирига мос келмасада ва кўпинча жиддий равишда мос келмаса-да, СССР билан Япония ўртасидаги муносабатлар сўнгги вақтларда тобора яхшиланиб бораётганлигини бирон киши инкор этмаса керак. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз муваффақиятли йўлга тушиб олмоқда, фан, техника, маданият ва санъат соҳасидаги тажрибалар ва ютуқларни айирбошлаш кундалик турмушимизга тобора кўпроқ сингиб кетмоқда.

А. А. Громико Совет томони Япония билан кўпроқ даражада ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик қилиш йўлини топиш иштиёқида эканлигини айтди. Ҳар иккала мамлакатимиз, деб уқтирди у, халқаро ишларда, шу жумладан Осиёда каттагина роль ўйнайдилар.

Бошқа халқларнинг манфаатлари сингари совет ва япон халқларининг манфаатлари ҳам тинчликни сақлаб қолишни, сўнгги вақтларда ўткир тус олган халқаро кескинликни юмшатишни, жаҳон уруши хавфининг олдини олишни талаб қилмоқда, деди сўнгра А. А. Громико. Халқлар тинчликка нисбатан қилинаётган жиддий дағдагага, ошкора агрессия ҳаракатларига, тобора қучайиб бораётган уруш хавфига доғ келмоқдалар. Мана шундай шароитда ҳар қандай вақтли, иккинчи даражали мулоҳазалар асосий нарсага ўз ўрнини бўшатиб бериши керак. Ер шарининг бирон қисмида Хиросима билан Нагасаки фожиасининг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди, деди А. А. Громико. Агрессиянинг йўлига ғов солиб қўйиш, қуролсизланиш, ядро қуролини тақиқлаш ва даставвал бундан буён ядро қуролининг ёйилишига йўл қўймаслик сингари халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлларини қунт билан қидириш зарур.

Биз ҳозирги замоннинг мана шу энг актуал проблемалари устида ҳам Япония билан ошкора фикрлашувни давом эттириш тарафдорямиз, деб уқтирди Совет министри, зотан. Осиёдаги воқеаларнинг ривожи учун бизнинг мамлакатларимиз зиммасига — Совет Иттифоқи зиммасига ҳам, Япония зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Энг кўп ташвиш туғдирувчи воқеалар эса худди мана шу ерда содир бўлмоқда.

НОРОЗИЛИК

ХАНОЙ. Қўшма Штатлар «Ф-100» қирувчи самолётларининг яна бир эскадрильясини Жанубий Вьетнамга юборганлиги муносабати билан Вьетнам Халқ Армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияга норозилик хати юборди.

(ТАСС).

АМЕРИКА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Жанубий Вьетнамнинг Миллий Озодлик фронти қучлари назоратида бўлган районларда ҳосилни нобуд қилиш учун заҳарли химиявий моддаларни тобора кенг қўламда ишлатмоқда.

Қўшма Штатлар шу йилнинг биринчи ярмида 59 минг акрадан кўпроқ майдондаги экиларни нобуд қилиш учун заҳарли химиявий моддалар сочди. Америка қуролли қучлари 1962 йилдан буён заҳарли моддалар ёрдами билан қариб 130 минг акра майдондаги шоли ва бошқа озиқ-овқат экинлари ҳосилини йўқ қилиб юборди.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАР ЖАСОРАТИ

ХАНОЙ, 27 июль. (ТАСС). Жанг қилаётган Вьетнам бугун инвалидлар ва ҳалок бўлганлар кунини нишонламоқда. Вьетнам газеталари ҳукуматнинг инвалидларга, ярадорларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига бериладиган енгилликларни кўпайтириш ва уларнинг таъминотини яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорларини босиб чиқардилар. Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Мин мустамлакачиларга қарши урушда қатнашган ва ҳозирги кунда мамлакатнинг жанговар ҳаётида актив иштирок қилаётган инвалидларни мукофотлади. Газеталар мустамлакачиликка қарши урушларда ва Америка агрессиясига қарши курашда ҳалок бўлган ва майиб бўлган ўн мингларча ватанпарварлар кўрсатган жасорат вьетнамликлар қалбида абадий яшайди, деб таъкидламоқдалар.

ИНДОНЕЗИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 27 июль. (ТАСС). Индонезиянинг ташқи сиёсати Индонезия революциясининг муваффақият қозонишига эришмоқ учун ўз томонига мумкин қадар кўпроқ дўстларни тортиб оладиган бўлмоғи керак, деди Индонезия ташқи ишлар министри Адам Малик студентлар ҳузурида гапириб. Бу хабарни Франс Пресс агентлигининг мухбири Жакартадан юборди.

Ўз дўстлари билан биргаликда БМТ структурасини ўзгартирмоқ учун Индонезия ана шу ташкилотга қайтиши лозим, деди министр.

Малик айтдики, Индонезия империалистлар асоратидан озод бўлиш учун курашаётган халқларга ёрдам беради.

Сўнгра Малик Малайзия билан бўлган можарони тинч йўл билан бартараф этиш керак, деган фикрни ёқлаб чиқди. У, Шимолий Калимантан халқи 1963 йилги Манила битимига мувофиқ, мамлакатни идора қилишда қатнашиш имкониятига эга бўлгусидир, деган умид билдирди.

ЯПОНИЯНИНГ БИРИНЧИ АТОМ ЭЛЕКТРСТАНЦИЯСИ

ТОКИО, 27 июль. (ТАСС). Ибараки префектураси ва Япония пойтахтидаги бир қанча районларнинг аҳолиси ва корхоналари бугун Токаймурадаги биринчи япон атом электрстанцияси берган электр энергияни олдилар. Электрстанцияга Англияда ишланган, лойиҳа бўйича 166 минг киловатт қувват берадиган реактор ўрнатилган. Атом электрстанцияси ўзининг лойиҳадаги қувватига бир йилдан сўнг эришади. Ҳозир станция 110 минг киловатт электр энергия бермоқда.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

ИТАЛИЯ

РИМ. Маъмурият ишчиларнинг иқтисодий талабларини қондиришдан ва заводларда ишчилар касаба союзларининг ҳуқуқларини эътироф қилишдан бош тортганлиги сабабли Италиядаги металлургия ва машинасозлик саноатининг меҳнаткашлари яна ҳамма жойда забастовка бошладилар.

Генуя, Таранто, Венеция ва бошқа шу каби йирик саноат шаҳарларида барча металлургия ва машинасозлик заводлари 24 соат тўхтаб қолди. Кўпгина шаҳарларда забастовка айрим корхоналарда навбатма-навбат ўтказилади.

Апулия областида батраклар, нисфикорлар ва мардикорларнинг 72 соатли забастовкаси бўлмоқда. Бу забастовка оммавий намойиш ва митинглар билан бирга ўтказилмоқда. Иш ташловчилар янги меҳнат битимларининг тузилишини талаб қилмоқдалар.

ЯПОНИЯ

ТОКИО. Симане префектурасидаги Тайся шаҳрида давлат темир йўллари паровоз ҳизмати ходимлари бутун Япония касаба союзининг 17-съезди ёпилди.

Сафларида 60 минг аъзоси бўлган бу касаба союзининг вакиллари беш кун давомида ўтган йил меҳнаткашлар олиб борган курашнинг натижаларини ва келгуси йил учун фаолият программасини муҳокама қилдилар.

Съезд ишчиларнинг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш, давлат корхоналари ишчиларининг забастовка қилиш ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг кўламда иш ташлаш ва забастовкалар ўтказишни белгилади. Давлат корхоналарининг ишчилари ҳозирги вақтда ана шу ҳуқуқлардан маҳрумдирлар.

Бу йилги июль ойи — Японияда касаба союзлар съездлар ўтказадиган давр бўлмоқда. Жумладан телеграф ва телефон ходимлари, шахтёрлар, ўқитувчилар турмуш шароитини яхшилаш учун кураш программасини муҳокама қилдилар ва қабул қилдилар.

ГРЕЦИЯ

АФИНА. Грециянинг бинокор ишчиларидан 150 минг киши 24 соатли забастовка эълон қилди. Бинокорлар Меҳнат министрлиги ўз талабларини қондиришдан бош тортганлигига қарши норозилик билдириб, иш ташламоқдалар.

Афина автобус ҳайдовчилари ва кондукторларининг забастовкаси 14 кундан буён давом этмоқда. Автобусчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, ҳар куни бир неча соат давомида ўз ишларини тўхтатиб қўймоқдалар.

(ТАСС).

ГВИАНА ОВОЗИ

Шу кунларда Ер юзидаги барча софдил кишилар, сиёсий қарашларидан қатъи назар, Американинг Вьетнамдаги уруш ҳаракатларини кескин қораламоқда. Биз ҳам шунга қўшиламиз.

Кимки фактларни билмасдан, воқеаларнинг аҳамияти ва бошқа ҳолатларни тушунмасдан Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётган бўлса, вазиятга реал назар солса ва ўз мавқеини қайта қараб чиқса маъқул бўлур эди. Америка Қўшма Штатлари ўзига ён босмайдиган ҳукуматларни ағдариш учун Ер шарининг хоҳлаган қисмида қуролли куч ишлатиш «ҳуқуқига эгамиз», деб тасдиқламоқда. У Латин Америкасида ва Африкада ҳам бир неча марта ана шундай ҳаракатлар қилди.

Қўшма Штатларнинг ўзга территориялардаги ҳарбий базалари бошқа хоҳлаган давлатникидан кўпдир.

Америка авиациясининг Шимолий Вьетнамдаги аҳоли яшайдиган марказларни ёвузларча бомбардимон қилаётганлигидан ғазабланаётганимизни таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бизнинг газетамиз АҚШнинг Вьетнамга қарши уруши тўғрисида ой сайин Гвианадаги бутун матбуотдан кўра кўпроқ ахборотлар босиб чиқармоқда. Биз Америка империалистларининг ёвуз ниятли ҳаракатларини яна ҳам кенг тарқатиш, бутун дунёда табиий реакцияни — қаршилик ўсиб кетишини кўрсатишни истаймиз.

Гвиана ҳозир мустақил давлатдир. Халқимизнинг бурчи урушга аралашмасликдан иборатдир. Шу сабабдан ҳам биз ўз ҳукуматимизнд урушни янада кенгайтириш йўлида қилаётган ҳаракатлари учун АҚШ ҳукуматига ўз ташвишини билдириш ва Вашингтонни бутун дунёга таҳдид солаётган ҳаракатларни тўхатишга чақиришни талаб қилишга мажбурмиз.

Агар қудратли давлатлардан бирида нодонлар юқори лавозимларни эгаллаб олган бўлсалар бутун дунё халқларининг бурчи ақлдан озганларни жиловлаб қўйиш учун таъсирчан тадбирлар кўришдан иборатдир. Биз барча Гвианаликларни АҚШ агрессиясини қоралашгагина эмас, балки ҳукуматимиздан қонхўр ганнибалларни жиловлашга қаратилган кескин чоралар кўришни талаб қилишга чақирамиз.

«Миррор» газетасидан.

(АПН).

Жорж тавн.

СУДАННИНГ ЯНГИ БОШ МИНИСТРИ

ХАРТУМ. 27 июль. (ТАСС). Судан Республикасининг Таъсис этиш мажлиси бугун «Алуммо» партиясининг раиси Сиддик Алмаҳдини Суданнинг бош министри қилиб сайлади.

Маҳжуб бошчилигидаги эски ҳукумат таъсис этиш мажлиси ишончсизлик билдиргани-дан кейин икки кун аввал истеъфо беришга мажбур бўлган эди.

ОБ-ҲАВО

Бугун республиканинг барча районларида ҳаво очиқ бўлиб, шимоли-шарқдан секундига 3—7 метр тезликда шамол эсади, ҳарорат 35—40 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, шимоли-шарқ томондан секундига 3—7 метр тезликда шамол эсади, 37—39 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — саломатлик гарови (рус.), 8.25 — Жонажон диёр ҳақида куйлар, 9.30 — Енгил куйлар, 11.10 — «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали, 11.30 — Қўшиқ ва романслар, 12.50 — Далалар серҳосил бўлади, (рус.), 13.30 — Кичик эстрада концерти, 16.15 — Концерт (рус.), 17.00 — «Олтин қўллар», 18.10 — «Юрак меҳри билан куйлайман сени» (рус.), 18.30 — Ўзбек классик куйлари, 19.20 — Социалистик мамлакатлар куйлари, 20.00 — «Самарқанд индустрияси резервлари» (рус.), 20.10 — Концерт (Бутуниттифоқ радиоси эстрада оркестри), 20.45 — «Коммунистлар янгилик ва илғорлик ташаббускорлари», 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Концерт (Фарғона область театри артистлари), 22.40 — «Суҳбати жонон» (радиоинсценировка), 23.20 — Концерт (дала меҳнаткашлари талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Ялқов ҳақида** (болалар учун), 18.40 — **Спорт эшиттириши**, 19.20 — **Қора осмон остида** (телефильм), 20.15 — **Халқ артисти Б. Андреев** (ҳужжатли фильм).

20.35 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Тошкент қурувчилари учун** (эшиттириш ва концерт), 21.50 — **Бадиий фильм.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Гўзал нақшлар** (болалар учун). 19.30— **Тошкент янгиликлари**, 19.40 — **Замондош** (телеочерк), 20.05 — **Концерт** (Ўзбекистон радио ва телевидение хори).

Рус тилида: 20.35 — **Лаослик меҳмонлар СССРда** (ҳужжатли фильм), 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Гирдоб** (телеспектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/VII да **Багритош**, 30/VII да **Ешликда берган кўнгил.**

УЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тикувчи, пойафзалчи, радиотелемеханик ихтисосларига 8, 11-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлганлардан 1966/67 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Умумий таълим ўзбек, рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар: инвалидлик группаси бўйича ВТЭК справкасини, район социал таъминот бўлимининг йўлланмасини ва бошқа ҳужжатларни тақдим қиладилар.

Ҳужжатлар 25 августгача қабул қилинади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўқувчилар ётоқ билан таъмин қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ниж-ная терраса, 15-квартал.

Темир йўллар министрлигининг **САМАРҚАНД ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ** КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИНГ I ВА III КУРСИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 8 ва 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади.

Техникум: темир йўлларни эксплуатация қилиш ихтисосига доир **темир йўл транспорт техникларини тайёрлайди.**

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳар, Доризинвая кўчаси, 16-уй, вокзал телефони 2-85.

50-ШАҲАР ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1966/67 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти: **экскаваторчи, трубоуладчи, бульдозерчи машинистлар, автокранчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, сувоқчи-бўёқчи - плиткачилар** тайёрлайди.

Ўқиш муддати: 1 йил, 1 ярим йил ва 2 йил.

8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотли, 16-17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юрти ҳузурида ётоқхона бор. Ўқувчилар давлат таъминотида бўлади.

Адрес: Олмалиқ шаҳар, Нижная терраса, 15-квартал.

Ишга таклиф:

ТОШКЕНТ ХИМИЯ-ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИГА

доривор фасовначилари (ишбайга), **электромонтёрлар, слесарлар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, уборщицалар, дурадгорлар, сувоқчилар, ғишт терувчилар, бўёқчилар, тикувчилар**

КЕРАК

Клара Цеткин кўчаси, 41-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (1, 5, 8, 9, 12-трамвай, 1, 5, 9-троллейбусниг «Красная заря» остановкаси). Телефон В-3-38-33, В-3-24-90.

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

қурувчи-инженерлар ва техниклар, инженерлар: сметачи, экономист, нормаловчи, бош бухгалтер, нормаловчи, бош бухгалтер ўринбосари, бухгалтерлар, старший бухгалтерлар, ҳисобчилар, нассирлар, кадрлар бўйича старший инспектор, русча секретарь-машинистка

КЕРАК

Меҳнат ҳаки ўзаро келишилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси, 10-уй.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг **САВДО БОШҚАРМАСИГА** **бухгалтерлар, бухгалтер-ревизорлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: «Чилонзор» Савдо марказининг Маиший хизмат уйи, кадрлар бўлими.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37263. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 170. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08650.